

Ўзбекистон Президенти Тожикистон Президентига ҳамдардлик билдири



Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 февраль куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида давлатимиз раҳбари Тожикистон етакчисига мамлакатнинг жануби-шарқида қор кўчиши оқибатида инсонлар қурбон бўлгани ва жиддий талафотлар кўрилгани муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдири.

Икки томонлама ва минтақавий кун тартибининг долзарб масалалари кўриб чиқилди.

Олий даражада, энг аввало савдо, саноат кооперацияси, қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт ва бошқа йўналишларда эришилган келишувларни амалга ошириш чоралари муҳокама қилинди.

Фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатлариiga қарши курашиб борасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

Бўлажак тадбирлар, шу жумладан кўп томонлама ташкилотлар доирасидаги мулоқотлар режаси ҳам кўриб чиқилди.

Манба